

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Уватов У. Иймон Нури. – Тошкент: Ёзувчи, 1996. – Б. 4.
2. Очилдиев А. Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар. Т. , 2004
3. Имомназаров М. Миллий маънавиятимиз асослари. -Тошкент: “Ўзбекистон файласуфлари миллий, жамияти” 2006, –Б. 406.
4. Маънавият асосий тушунчалар изоҳли лугати. Тошкент: Ғафур Гулом нашриёти - 2016. –Б.94.
5. Алишер Навоий. Маҳбуб ул-кулуб. (Нашрга тайёрловчи А.Н.Кононов). Москва-Ленинград, 1948, Б.114.
6. Кайковус. Қобуснома. Тошкент: Ўқитувчи нашриёти . 2015.-Б. 26

<https://doi.org/10.34920/uzxdmk/2022/045>

## **САМУЭЛ ХАНТИНГТОННИНГ ЦИВИЛИЗАЦИЯЛАР ПАРАДИГМАСИНИ РИВОЖЛАНИШ МУАММОСИ ҲАҚИДАГИ ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИ**

*Қурбонназаров Азизбек*

*ЎзМУ, “Ижтимоий фанлар” факультети “Фалсафа ва  
мантиқ” кафедраси 2 -курс магистри*

Маскур жараёнлар оқибатида нафақат дунёнинг сиёсий манзараси ўзгарди шунингдек сайёрамизнинг турли чеккалари-турфа минтақаларда ва мамлакатларда истиқомат қилувчи, ҳилма-хил стандарт ва қадриятлар асосида кун кечирадиган одамлар ўртасида

глобал умумийликни хис этиш ўзаро хайрихохлик ва манфаатдорлик хамда инсоний яқинлик туйғулари тобора мутахкамлана борди. Бу даврға келиб жаҳо сиёсий саҳнада рўй берган жараёнлар, юзага келган глобал вазиат, икки қутбли дунё тизимининг бархам топиши, сиёсий прогнозлашда мафкууравий аспекттнинг иккинчи даражали аҳамият касб этиб қолиши сингари қатор омиллар ушбу соҳаларда фаолият юрутувчи аксарият, хатто забардаст олим ва мутахассисларни хам танг аҳволга солиб қўйган.

Энди олим ва мутахассислар нафақат совуқ урушдан сўнг юзага келган мураккаб ва зиддиятли характерга эга ижтимоий сиёсий вазият сабабларини тушунтиришлари талаб қилинар эди, айни пайта ўзгарувчан дунёдаги халқаро муносабатларни изоҳлашга қаратилган, хамда уларнинг истиқболларини прогнослаш, шунингдек мазкур прогнозларга мувофиқ стратегик дастурларни белгилаш билан боғлиқ янгича концепциялар, ёндашувлар ва методлар ишлаб чиқишлари хам лозим эди. Мазкур тадқиқот ишининг предмети ўлароқ хизмат қилаётган Ф.Фукуяманинг “Тарих интихоси концепцияси” хамда айни параграфда Фукуяма қарашлари билан компративистик таҳлил қилинаётган С.Хантингтоннинг “Цивилизациялар тўқнашуви” борасидаги ғоялари хам уша даврдаги дунёнинг ижтимоий-сиёсий манзарасини тушунтириб бериш, уни келтириб чиқарган омил ва сабабларни аниқлаш ва шу асосда халқаро муносабатларнинг денамик тараққиётини башорат қилишга қаратилган айни пайтда инсониятнинг келгусидаги глобал муносабатларнинг тараққиётини белгиловчи ўзига

хос стратегик харакат дастури давоси билан чиққан назариялар сифатида баҳоланиши мумкин.

Ф.Фукуяманинг “Тарих интихоси” концепцияси Ғарбликлар ўзларини “Совуқ уруш”нинг ғолиблари сифатида кўра бошлаган 1980-йилларда Ғарбда шакилланди. Қайта қуриш сиёсатига асос солган Гарбочовнинг сабиқ совет иттифоқи хокимягининг тепасига келиши, ҳамда у томонидан Ғарбона аҳлоқий, сиёсий, иқтисодий стандартларнинг тўғри эканлигини таъкидловчи назарияларни ислохотлар жараёнида қўллай бошлаганлиги Совет хукумати қудрати заифлашаётганлиги ҳамда “Совуқ урушда” уларнинг мағлубиятга учраётганлиги борасидаги қарашларга Ғарбнинг ишончини тобора ортирас эди.

Фукуяманинг “Тарих интихоси” концепцияси айни вазиатни яққол акс эттирувчи назариялардан хисобланади. У ўзининг қўплаб шов-шув ва бахс-мунозараларга сабаб бўлган “Тарих интихоси” номли асарида қаттий ишонч билан “Совуқ уруш” асосида Лебираль демократия ва комунизм мафкуралари ўртасидаги зиддиятли кураш ётганлиги ғоясини илгари сурад. Бу курашда Комунизмнинг мағлубиятга учраши бутун дунёда, бутун дунё сиёсати ва ҳалқаро муносабатларида демократик принциплари жорий қилинишига олиб келди.

Фукуяманинг бундай мавзулар хусусан, комунистик жамиятларнинг танқидий таҳлили, демократик принциплар туфайли катта ўзгариш ва янгиланишларга учраган Социалистик лагерга

кирувчи мамлакатлар ҳақидаги мулоҳазалар мухокамаси баён этилган ва нихоят келажакни башорат қилишга қаратилган асарлари сифатида “Тарих интихоси” (1989 й) “Тарих интихоси ва сўнги одам” (1992 й) ларни келтириш мумкин. Ўз қарашларида Гегел ва Кожеванинг “Тарих интихоси” борасидаги ғоялари талқинига таянган Фукуяма Леберализм, Қонун устуворлиги вакиллик демократияси бозор иқтисодиёти сингари лебераль институтлар инсоният хаёти халқаро муносабатларда тобора унверсалъ характер касб этиб боради дия такидлади .

Фукуяма мазкур асарларда “Совуқ уруш” якунига етгандан сўнг юзага келадиган муносабатлар келажаги ҳақидаги қаттий ишончини назарий жихатдан ифодалаб сиёсий жихатдан асослайди. СССР ва КХДР да амалга оширилган ислохотлар жараёнларини тахлил этган холда бу икки мамлакатда янгилangan интелектуал мухит туфайли бошқа минтақаларда рўй берган ўзгаришларни қайд этган Фукуяма содир бўлган ўзгаришлар шунчаки “Совуқ уруш”нинг бархам топиши ёки қандайдир урушдан кейинги харбий давргина эмас “Тарих интихоси” сари қўйилаётган қадам деган хulosага келади.

Фукуямага кўра “Тарих интихоси”, - “инсоният мафкуравий эволюциясининг тугалланиши ва кишилик жамияти бошқарув шаклининг чўққиси сифатида Farb лебираль демократиясининг универсаль характер касб этишида”<sup>77</sup>, - ўз аксини топади.

---

<sup>77</sup> Фукуяма Ф. Конец истории. -С.2.

Фукуяманинг назариясига кўра Ғарб хамжамиятидан бошқа хамжамиятлар Ғарб қадириятларининг келажакдаги сояси бўлиб қолаверади. Мутафаккирнинг “Тарих интихоси” асарида Ғарб хамжамиятияга муқобил тизмларнинг яроқсиз бўлиб қолганлигига ургу бериб айнан ғарб ўзининг кундаги аҳлоқи ва нуфузига кўра бошқа хамжамиятлардан кўра устун<sup>78</sup> “шунинг учун ҳам ҳалқаро муносабатлар иштирокчилари уларни қандай қаршилашларидан қатъий назар Ғарб қадриятлари глобал миқёсида кенг ёйилмоқда”<sup>79</sup>, - деб таъкидлайди. Шу тариқа Фукуяма ўз назариясида мавжуд ҳамжамиятлар ичидан битта хамжамият яни Ғарб хамжамият тарафдори эканлигини айтиб ўтади. Шу боис Фукуяманинг “Тарих интихоси” концепцияси мафкуралашган ҳамда дунё сиёсати ва ҳалқаро муносабатларни бирмунча содда, тор маънода таҳлил қилган назария сифатида танқидга учради.

Уша даврда ёзилган ҳамда айни кезлар воқеликларни ўзида акс эттирган яна бир Америкалик сиёсатшунос С.Хантингтоннинг “Цивилизациялар тўқнашуви” мақоласи ҳам кўплаб бахс ва мунозараларга сабаб бўлди. Демократия ҳалқаро муносабатларни демократлаштириш АҚШнинг ташқи сиёсати геополитика ва глобалистика масалалари бўйича қатор ишлар муаллифи бўлган Самоел Хантингтон Гарвард университетининг профессори ҳамда унинг қошидаги стратегик тадқиқодлар Институти деректори сифатида

---

<sup>78</sup> Российская наука международных отношений. -С.78.

<sup>79</sup> Российская наука международных отношений . -С.77.

фаолият юритган. Унинг 1993 йилда дунё юзини кўрган “Цвилизацичлар тўқнашуви” номли асари Геополитикага оид фан соҳаларида катта шов-шувларга сабаб бўлди.

Хантингтон ўзининг мазкур тадқиқодида жаҳон сиёсати янги босқичга қадам қуяётганлиги ва шу боис унинг истиқбол қиёфаси билан боғлиқ бу “Тарих интихоси” бўладими?, “Милатлар ва давлатлар ўртасидаги анъанавий рақобатга қайтиладими?” ёки, “турли тенденциялар босими остида миллатлар ва давлатлар инқизорзи хамда трайболлашув ва глобаллашув рўй берадими”,- деган саволларга таянувчи қарашлар юзага келганлигини таъминлайди.

Хантингтон назариясининг бош ғоясига кўра, энди мавкура, иқтисод, сиёsat эмас аксинча маъданият дунёда юзага келадиган зиддиятларнинг бош манбай асосий манбай хисобланади. Мазкур тенденцияни Хантингтон Хитой халқ Республикасининг бир томондан Гангконг, Тайланд, Сингапур ва денгиз буйидаги Хитой жамиятлари билан иккинчи томондан эса Осиёнинг бошқа давлатлари билан хамкорликдаги иқтисодий курсатичларнинг ўсиши балан тушунтиради шу тариқи Хантингтонга кўра “Совуқ уруш” бархам топганидан сўнг турли маданий умумийлик мафкуравий фарқларни сиқиб чиқармоқда. Шу маънода миллатлар – давлатлар халқаро муносабатларнинг иштирокчиси бўлиб қолаверадилар. Асосий глобал сиёsatдаги катта ахамиятга эга бўлган зиддиятлар эса турли цвилизацияларга талуқли бўлган турфа миллатлар ва ижтимоий гурухлар ўртасида келиб чиқади. Шундай экан, цвилизациялар тўқнашуви халқаро сиёsatнинг бош

омилига айланади. Улар ўртасидаги келишмовчиликка асосланган тармоқлар келажак фронтининг тармоқлари хиссобланади “Цивилизациялар тўқнашуви” асарида муаллиф бундай зиддиятлар табиий хол эканлиги ва бу ўзининг бир неча сабабларга эга эканлигини такидлаб ўтади. Биринчи навбатда географик омил ва цвилизацияларнинг Идентиклиги аникрофи улар ўртасидаги қўшничилик турли қарамақаршилик хатто зиддиятларни юзага келтиради. Бундай зиддиятлар цвилизациялар чегаралари кесишган ёки улар аморф чизилган худудларда рўй беради. Баъзан бундай зиддиятлар цвилизацияларнинг ривожланиш мантифи ва уларнинг ўзаро тасири натижасида келиб чиқиши мумкин.

Хантингтон фикрига кўра дунё қиёфаси 7-8 та цвилизацияларнинг ўзаро тасирлашуви натижасида шакилланади. Бундай цвилизациялар сирасига Ғарб, Конфуцийчилик, Япон, Ислом, Хинд, Проваслав-славян, Лотин америкаси ва катта эҳтимоллар билан Африка цвилизациялари киради. Келажакдаги асосий зиддиятлар цвилизациялар ўртасидаги фарқланишга тўғри келади. Бунинг хам бир неча ўзига хос сабаблари мавжуд. Биринчидан, Булар орасида энг катта ахамиятга эга бўлган зиддиятлар асосида дин ётувчи цвилизациялар ўртасида юз беради. Тарихи юз йилликлар билан белгиланувчи бундай цвилизациялар ўртасидаги зиддиятлар сиёсий мафкуралар ўртасидаги фарқдан анча кучли хиссобланади. Иккинчидан турли цвилизацияларга мансуб бўлган халқлар ўртасидаги ўзаро тасирланиш кучайиши оқибатида цвилизациявий нуқтаи назаридан ўзликни

англаш, цвилизациялар ўртасидаги ўзаро фарқ ва ўз цвилизацияларининг бошқа цвилизациялар билан умумийлигини тушуна бориш тенденцияси авж олади. Учинчидан диннинг роли кескин ошиб у энг аввало фундамистик харакатлар кўринишида намоён бўла бошлайди. Тўртинчидан Девистринизация ўзининг туб илдизларини излаб топиш жараёнларида акс этувчи Ғарбнинг ноғарб мамлакатларга тасири сусайиши вазиатини кузутиш мумкин. Бешинчидан Маданий фарқланишлар иқтисодий ва сиёсий фарқланишларга нисбатан камроқ ўзгаришларга учраган.

<https://doi.org/10.34920/uzxdmk/2022/046>

## **ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ПОДХОДЫ К ФОРМИРОВАНИЮ ПАРАДИГМ ЦИВИЛИЗАЦИЙ**

*Джураева Нигора Авазовна*

*Преподаватель (PhD) Национального Университета Узбекистана  
имени Мирзо Улугбека*

В настоящее время, когда приоритетом является человек, его интересы и ценности, очень большую роль играют вопросы состояния и дальнейшей судьбы человеческой цивилизации. Именно нынешний облик человека, уровень его сознания, воспитания являются настоящим коэффициентом той парадигмы цивилизации, частью которой он является. Необходимо отметить, что важным онтолого-